Ishonch

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 28-yanvar № 14 (3051) shanba

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси жамоасига

Ҳурматли дўстлар!

Барчангизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон фуқаро авиацияси ўзининг йигирма йиллик фаолияти давомида замонавий авиакомпания сифатида тикланиш ва шаклланишнинг улкан, мураккаб йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда юртимизнинг кўплаб хорижий давлатлар билан самарали ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнамоқда.

Мамлакатимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг амалга оширилиши, жамоанинг юксак касб маҳорати Миллий авиакомпаниямизнинг халқаро авиаташувлар ва техник хизмат кўрсатиш тизимидан муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлди. Авиация хавфсизлиги ва парвозларни сифатли амалга оширишни таъминлаш, авиация техникасига хизмат кўрсатишда энг илғор технологияларни кенг қўллаш, шунингдек, малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида эришилган юксак натижалар нуфузли халқаро авиация ташкилотлари томонидан бир неча бор тақдирлангани айниқса қувончлидир.

Ҳозирги кунда замонавий ҳаво кемалари билан таъминланган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» дунёнинг 25 дан ортиқ мамлакатига парвозларни амалга оширмоқда, йилига қарийб 75 минг транзит йўналишнинг ҳаво ҳаракатини бошқармоқда, шунингдек, авиакомпаниямиз таркибида фаолият кўрсатаётган, сўнгги авлод авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган марказнинг хизматларидан кенг фойдаланаётган 320 та хорижий авиакомпания самолётларига аэронавигация хизмати кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг барча аэропортлари жаҳон андозалари даражасида модернизация қилинди. Фақат 2011 йилнинг ўзида 2 миллион 300 минг нафар йўловчи ва салкам 50 минг тонна юк белгиланган манзилларга етказилгани Миллий авиакомпаниямиз қўлга киритаётган ютуқлардан яққол далолат беради.

«Навоий» халқаро аэропорти негизида ташкил этилган ва замонавий аэронавигация ускуналари билан жиҳозланган Халқаро интермодал логистика маркази, об-ҳаво шароити қандай бўлишидан қатъи назар, барча турдаги авиалайнерларни қабул қилиш имконига эгадир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўтган йиллар давомида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг кўпмиллатли жамоаси шаклланди ва камолга етди. Бу жамоанинг фидокорона меҳнати, билим ва тажрибаси юртимизда ҳақли равишда юксак эътироф ва ҳурматга сазовор бўлмоқда, мамлакатимиз фуқаро авиациясининг янада равнақ топишида ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Азиз дўстлар!

Барчангизни Миллий авиакомпаниямиз ташкил этилганининг 20 йиллиги билан яна бир бор табриклаб, ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга, сизларга ва оилаларингизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, олижаноб ва фидокорона меҳнатингизда янги-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мусаффо осмон ва бахтли парвозлар ҳамиша сизларга ёр бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, Миллий авиациямизни халқаро стандартларга мувофиқ равишда ривожлантириш, шу соҳадаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХОДИМИ»

Алмамедов Алиджон Инаятович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директорининг ўринбосари

Гурфинкель Станислав Михайлович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош штурмани

Мавлянкулов Махамедамин Рахимович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси «Боинг» ҳаво кемасининг командири

Кўп йиллик самарали меҳнати, фуқаро авиациясини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда малакали мутахассислар тайёрлаш борасида эришган ютуқлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Тян Валерий Николаевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директори

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Бахронов Тохир Саидович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Бухоро» халқаро аэропорти директори

Исмоилов Илхом Рузимович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг «Боинг» ҳаво кемаси командири

Каримов Равиль Анварович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси Гарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш маркази цех бошлиғининг ўринбосари

Нурматов Дилшатжон Ахматович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Махсус авиация ишлари компанияси Қарши авиазвеносининг командири

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Белцос Иван Димитрис — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси Гарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказининг муҳандиси

Зак Иосиф Эдуардович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Ўқув-машғулот марказининг катта учувчи-йўриқчиси

Рахимова Назира Рустамовна — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг борткузатувчи-йўриқчиси

Станкевич Андрей Викторович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг «RJ-85» ҳаво кемалари бўйича учувчи-йўриқчиси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Алламбергенов Жанабай Калибаевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Махсус авиация ишлари компаниясининг Нукус авиация-техника базаси участка бошлиғи

Гвоздев Владимир Александрович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг учувчи-йўриқчиси

Джафаров Наджаф Икрамович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Ўзаэронавигация» марказининг радиолокация, радионавигация етакчи муҳандиси

Забиров Ильяс Ризаевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси «А-310» ҳаво кемасининг командири

Закиров Дилшод Тулкунович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси «Боинг» ҳаво кемасининг командири

Ибрагимов Илхам Каримович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Махсус авиация ишлари компанияси учувчилар отряди командирининг ўринбосари

Юнусов Талъат Тулкунович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси Гарбда ишлаб чиқарилган компонентларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш мажмуасининг чилангари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 27 январ

Маҳаллийлаштириш дастури асосида

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор иқтисодий бақувват корхоналар сафи тобора кенгайиб, ички ва ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар етказиб бериш ҳажмининг ортишида, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Фарғона шаҳридаги «Ўзсаламан» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида ўттизга яқин турда пойабзал ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолият кўрсатаётган мазкур корхона маҳсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда.

278 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада ўтган йили 129 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилди. Жорий йилда ҳам корхонада асосий ишлаб чиқариш линияларини кенгайтириш ва модернизация қилиш ишлари амалга оширилади.

Суратларда: *«Ўзсаламан» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ишчиси Дилором Султонова; корхона маҳсулотлари.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида

26 январ куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг V Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева олиб борди.

Масъулият – давр талаби

Унда Президентимиз томонидан таклиф этилган Концепция, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан белгилаб олинган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, бунда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари, ўтган йил давомида амалга оширилган фаолият йўналишлари атрофлича муҳокама этилди. Шу билан бирга касаба уюшмаларининг фаолиятига қатор тармоқлар мисолида танқидий баҳо берилиб, бундан тўғри хулоса чиқариш ва келгусидаги вазифалар ижросига янада масъулият билан ёндашиш лозимлиги таъкидланди.

Раёсат йиғилиши кун тартибидан дастлаб «Аграсаноат мажмуи, Таълим, фан ва маданият, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмалари ташкилотларининг фаолиятини комплекс ўрганиш натижалари тўғрисида»ги масала муҳокамаси ўрин олди. Ушбу тармоқларда қатор салмоқли ишлар амалга оширилганлиги билан бирга, ўтган йилда белгилаб олинган устувор вазифалар бажарилишини таъминлашда тизимли камчиликларга йўл қўйиб келингани қайд этилди.

Жумладан, касаба уюшма аъзоларининг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш соҳасида бошланғич ташкилотлар ўрни деярли сезилмайди. Жамоа шартномаларини тузиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш орқали бошланғич ташкилотнинг корхона, ташкилот ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган мавқеини ошириш ишлари эътибордан четда қолган. Биргина Аграсаноат мажмуи тизимида фермер хўжаликларида тузилган жамоа шартномаларининг сифат ва мазмуни талабга жавоб бермаслиги туфайли 895 мингдан ортиқ ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари етарли даражада ҳимоя қилинмаган. Марказий, ҳудудий, айниқса, туман кенгашлари бошланғич ташкилотларнинг муаммолари билан қизиқмаётгани, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатишга етарли эътибор қаратмаётгани фаолият самарадорлигини чеклаб қўймоқда.

Шу каби қатор камчиликларни бартараф этиш, хатоларнинг такрорланишига йўл қўймаслик ва Уставларда назарда тутилган вазифалар ижросида касаба уюшмаларнинг масъулиятини янада ошириш белгиланди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар кичик бизнес корхоналарида касаба уюшмалари ташкилотларини тузиш, норасмий бандликни чеклаш, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳам йиғилиш иштирокчилари диққат эътиборида бўлди.

(Давоми 3-бетда)

Устувор вазифалар муҳокамаси

Жорий йилнинг 26 январ куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг IV мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг 2011 йил якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор вазифаларни белгилаб олиш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

— «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси», 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг устувор йўналишлари, Федерация V Қурултойи қарорларидан келиб чиққан ҳолда фаолиятимизнинг устувор йўналишларини белгилаб олган эдик, — деди мажлисда сўзга чиққан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева. — Ушбу йўналишлар бўйича аниқ мақсадли ишларнинг амалга оширилиши касаба уюшмалари олдида турган қатор муаммоларни ҳал этиш, уларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ҳамда мавқеини ошириш имконини берди.

Жумладан, касаба уюшмаларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишлари фаоллашди. Уларнинг бевосита иштирокида Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунлари лойиҳасини тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилди. 14 та қонун ва 25 та меъёрий актлар, меҳнат муҳофазаси бўйича 87 та меъёрий ҳужжат лойиҳалари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан йўлланган 10 та меҳнат низолари бўйича хулосалар берилди.

Давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни амалиётга татбиқ этиш юзасидан самарали ижро механизми шакллантирилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун Бош келишув имзоланган катта воқеа бўлди. Бош келишув асосида амалдаги тармоқ, ҳудудий келишувлари, жамоа шартномаларига тегишли ўзгартиришлар киритилди ва уларнинг бажарилиши бўйича доимий мониторинг олиб борилди. 15 дан зиёд давлат, нодавлат ташкилотлари билан қўшма тадбирлар режаси қабул қилиниб, амалга оширилишига эришилди.

Бандликни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашга фаол кўмаклашиш соҳасида касаба уюшма фаоллари томонидан 1663 та корхонада яратилган 14209 та иш ўринларининг ишончлилиги ўрганилди. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари амалиётини ташкил этиш, битирувчиларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида «Усто-шогирд» йўналишида 71 мингга яқин корхона ва ташкилотда 250 минг нафар коллеж битирувчиларининг муқим иш билан таъминланиши устидан жамоат назорати ўрнатилди. Амалиёт ўтаётган ва янги ишга қабул қилинган коллеж ўқувчилари ва битирувчиларига энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача моддий ёрдам ажратиш тизими жорий этилди. Натижада, 2483 нафар коллеж ўқувчиси ва 627 нафар битирувчига касаба уюшма бюджетидан 50 млн. сўмликка яқин моддий ёрдам кўрсатилди.

Ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси кучайтирилиши натижасида касаба уюшмалари органларига корхоналар ва фуқаролардан тушган 5200 га яқин мурожаатларнинг 93 фоизи қаноатлантирилди. Мансабдор шахсларга меҳнат қонунчилиги бузилиши бўйича киритилган 385 та тақдимноманинг 291 таси ижобий ҳал этилди. Меҳнат низоларига оид 478 та масаладан 33 таси суд, 445 таси касаба уюшмалари орқали кўриб чиқилиб, ноқонуний ишдан бўшатилган 190 нафар ходим ўз ишига тикланди. 5700 та корхона ва ташкилотда ходимлар учун яратилган меҳнат шароитлари ўрганилиши натижасида уларнинг 16700 дан ортиғида қоида ва меъёрлар бузилиши ҳолатлари касаба уюшмалари талаби билан бартараф этилди.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ишлари натижасида 2011 йилда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 72655 нафар фуқаро ва 52388 та оилага 23 млрд. 565 млн. сўмлик ижтимоий кўмак берилди. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга йўлланмалар ажратиш муддати 5 йилдан 3 йилга қисқартирилди ва ўтган йилда 90 минг нафарга яқин меҳнаткашни имтиёзли соғломлаштиришга эришилди. Шунингдек, бошланғич ташкилотлар молиявий имкониятларининг кенгайтирилиши туфайли 1 млрд. 102 млн. сўм маблағ ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилиб, 1400 киши қўшимча равишда санаторийларга имтиёзли йўлланмалар билан таъминланди.

(Давоми 2-бетда)

Ishonch

2012-yil 28-yanvar № 14 (3051)

Устувор вазифалар муҳокамаси

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Кичик бизнес ва хусусий тадбикорлик йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган касаба уюшмалари дастур тадбирлари доирасида 1337 нафар кичик бизнес субъектлари ходимлари ва тадбиркорларга санаторийларда, уларнинг 4159 нафар фарзандига болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш ва саломатлигини мустаҳкамлаш имконияти яратилди.

Маънавий-маърифий ишлар сифатини яхшилаш ҳам Федерация Кенгашининг доимий диққат марказида бўлди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда «Маънавият соатлари» ўтказилиши жорий этилиб, уларда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, эришилган ютуқларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг тарғиб этиб келинмоқда.

Фаолият кўрсатаётган 25 та санаторий-профилактория иши ўрганилиб, уларда даволанувчилар учун яратилган шарт-шароитларни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 11 та санаторийни таъмирлаш ва уларда тегишли шароитлар яратиш тўғрисида хўжалик органлари билан келишувга эришилди.

Ёзги мавсум давомида 965 та болалар оромгоҳларида соғломлаштирилган болалар сони 2010 йилга нисбатан 8 минг нафарга ортиб, 268 минг нафарни ташкил этди. Ўтган йили илк маротаба 19 та «Меҳнат ва ҳордиқ», 12 та «Ёзги интеллектуал ривожлантириш» ва 13 та «Ҳарбий-спорт соғломлаштириш» оромгоҳлари фаолият кўрсатиб, уларда 3700 нафардан ортиқ болалар ва ўсмирлар соғломлаштирилди.

Болаларни соғломлаштириш ишлари ташкилотчилари Форуми ўтказилиб, 700 дан ортиқ киши иштирок этди. Йил якунларига кўра энг яхши деб топилган 19 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларига Республика комиссиясининг дипломлари топширилди. 58 киши, жумладан, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари раҳбарлари, педагогик ва тиббиёт, ички ишлар ходимлари, ошпазлар, корхоналар раҳбарлари, касаба уюшмалари фаоллари, вазирликлар ходимлари 13 та номинация бўйича энг яхши деб топилиб, уларга диплом, қимматбаҳо совғалар ва «Бахтиёр болалар мамлакати» эсдалик ҳайкалчалари топширилди.

Касаба уюшмалари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда фаол иштирок этдилар. ***«Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!»*** деган ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари Дастурига мувофиқ 35 мингдан ортиқ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари, 15 та санаторий, 975 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларида адабиёт ва санъат намояндалари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар билан учрашув, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови, «Ўзбекистон, сени куйлайман» фестивали шулар жумласидан.

Шунингдек, юртимиз равнақига ҳисса қўшган 1750 нафар меҳнаткашга, жумладан, ишлаётган меҳнат фахрийлари, кам таъминланган, кўп болали оилалар аъзоларига касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга бепул йўлланмалар топширилди. Республикамиз фаоллари Федерация Кенгашининг «Эҳтиром нишони» ва Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

13801 нафар меҳнаткаш, ўқувчи ва талабалар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар вакилларининг юртимизнинг диққатга сазовор жойларига, тарихий обидаларига саёҳатлари уюштирилди.

«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида «Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйларига 36,4 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами, 11900 нафар кам таъминланган оилалар вакиллари, ёлғиз қариялар, ногиронлар, меҳнат ва уруш фахрийларига 337,7 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшмалари тизимига ахборот коммуникация технологиялари жорий этилиши натижасида касаба уюшмалари органлари ўртасида электрон ҳужжат айирбошлаш кўламини кенгайтириш, ҳужжатларни жойларга тезкор етказиш имкониятини яратилди. Федерация Кенгашининг расмий портали ва аъзо ташкилотларнинг веб-сайтлари яратилиб, уларда касаба уюшмалари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни бериб бориш йўлга қўйилди.

Ҳудудий бирлашмалар, тармоқ касаба уюшмалари ҳудудий кенгашлари ва тасарруфдаги ташкилотлар аппаратлари тузилмасини такомиллаштириш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

4. Аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашга, янги иш ўринлари кўрсаткичларининг ишончлилигини таъминлашга фаол кўмаклашиш, иш ўринларида меҳнат муҳофазаси қоида ва нормаларига мувофиқ хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш.

5. Меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар ўртасида ўтказиладиган маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишлари сифатини, касаба уюшмаларининг туризмни ривожлантириш бўйича фаолиятлари самарадорлигини ошириш.

6. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини замон талабларига биноан сифатли соғломлаштиришни ташкил этиш.

7. Бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ўзаро манфаатли ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

8. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури, касаба уюшмаларининг тармоқ ва ҳудудий дастурлари бажарилишини таъминлаш.

9. Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, касаба уюшмалари тизимига ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш.

— Хабарингиз бор, аввал бошланғич ташкилотлар раислари, кейин Марказий, вилоят кенгашлари, ҳудудий бирлашмалар аппаратлари ходимлари ўртасида аноним сўров ўтказдик. Дастлабки таҳлиллар сўровда иштирок этганларнинг бирортаси касаба уюшмалари фаолиятига бефарқ эмаслигини кўрсатди. Таҳлилларга кўра, ҳозирча иштирокчиларнинг 90 фоиздан ортиғи Федерациянинг 2011 йилдаги фаолиятидаги ўзгаришларни ижобий баҳолашган, 10 фоизга яқин иштирокчилар фаолиятдан қониқиш ҳосил қилишмаган, — деди Федерация кенгаши раиси Т.Нарбаева.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг 2011 йил якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар юзасидан касаба уюшма фаоллари ўз фикрларини билдирди.

К.Акбўтаев, Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси:

— 2011 йилда барча жабҳаларда, ислоҳотлар жараёнида касаба уюшмалари бевосита иштирок этди. Холисона айтганда, ўтган йил касаба уюшмалари учун туб бурилиш йили бўлди.

Бошланғич ташкилотларга бўлган эътибор кучайди. Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик, юридик хизматларнинг ташкил этилиши натижасида одамларнинг касаба уюшмаларига бўлган ишончи ортиб бормоқда.

Шунга қарамай, келгусидаги ишларимиз ҳам талайгина. Аввало, касаба уюшмага аъзолик афзалликларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишга эътиборни янада кучайтиришимиз лозим.

Хабарингиз бор, ўтган йилдан фаолиятимизда янги йўналиш — «Усто-шогирд» тизимини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераяпмиз. Бу фаолиятни янада такомиллаштирсак, айни муддао бўларди.

Бундан ташқари, фермер хўжаликларида меҳнат фаолиятини ташкил қилиш муаммоси ҳам бор. Масалан, юз гектар ери бор фермерларимиз ҳам, айтайлик, учта ё тўртта сувчини доимий ишлатмайди, шартномаси ҳам оғзаки бўлади. Улар ўртасида меҳнат шартномаси ҳам, пенсияга ажратма ҳам йўқ. Бу масалаларга эътибор қаратиш керак, деб ўйлайман.

Т.Рўзимуродов, «Навоийазот» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси:

— 2011 йилда қилинган ишлар ҳисоботини эшитиб ҳаяжонландим. Нега? Чунки ўтган йиллар давомида қилинмаган ишлар шу бир йилда амалга оширилди. Бунга кўплаб мисоллар келтирилди.

Амалиёт ўтаётган ўқувчилар иштирокида касаба уюшмалари, унинг афзалликлари ҳақида семинар ўтказиш тизимини йўлга қўйдик. Уларнинг қизиқиши ортди. Бу каби семинарларни кўпайтиришимиз керак.

Ғ.Зунунов, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмалари Марказий кенгаши раиси:

— Дарҳақиқат, 2011 йил касаба уюшмалари ҳаётида ниҳоятда қизғин фаолият даври бўлди, десак муболаға эмас. Федерация раиси бошчилигида жойларда кўплаб учрашувлар ўтказилди. Уларда касаба уюшмалари фаолиятини янги босқичга кўтариш, фаоллигини ошириш ҳамда оптималлаштириш юзасидан мулоқотлар олиб борилди. Натижада барча поғоналарда вакиллик институтлари тугатилиб, кенгашлар тузилди. Айрим марказий тармоқ касаба уюшмалари ҳам бирлаштирилиб, янги, бақувват, молиявий жиҳатдан барқарор, энг муҳими, аввалгиларидан салоҳияти юқори бўлган тармоқ касаба уюшмалари тузилди. Ўтган йилда Енгил-мебел саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Савдо матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси қўшилиб, Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси ташкил этилди. Бугунги кунда бизнинг тимсолимизда оптималлаштириш ўз вақтида ўтказилганини эътироф этамиз. Охир-оқибат бундан тармоқ тизимининг барча поғоналари манфаатдор бўлди.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, тармоғимизда бошланғич ташкилотларни инвентаризациядан ўтказиш натижасида аъзолар сонининг бўрттириб кўрсатилганига гувоҳ бўлдик. Бундан ташқари, ёпилиб кетаётган айрим корхоналар касаба уюшмалари хизматидан вақтида чиқиб кетишмаётган. Бу масалаларда ҳам ҳамкасбларимиз билан жиддий ишлашимиз керак бўлади.

Мустаҳкам оила йили муносабати билан жорий йилда белгиланган асосий йўналишларимиз қатори, Давлат дастуридаги чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг аҳамиятини юксалтириш, ҳар бир оиланинг фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш касаба уюшмаларининг доимий эътиборида бўлишига ҳаракат қиламиз. Мажлис кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Нормамат Аллаёров «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш ва унинг самарадорлигини ошириш юзасидан давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида касаба уюшмалари органлари томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида» маъруза қилди.

— Мамлакатимизда меҳнатни муҳофаза қилиш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратишга оид норматив ҳуқуқий негиз мавжудлиги ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этишга имкон яратмоқда, — таъкидланди, жумладан маърузада. *— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар томонидан 2011 йилда 5700 та корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Ушбу корхоналарда аниқланган меҳнат қонунчилиги ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича қоида ва меъёрларнинг бузилиши бартараф этилди.*

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари туфайли етказилган зарарни тўлаш масаласини ҳал этиш бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари томонидан йил давомида 50 марта суд жараёнларида иштирок этилди.

Корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича амалга оширилган 266,6 минг та чора-тадбирларнинг бажарилишига 64,6 млрд. сўм сарфланди.

Тармоқ ва ҳудудий келишувларга меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича алоҳида бўлимлар киритилмоқда, уларнинг бажарилиши ҳамкорлар иштирокида назоратга олинган.

Шунингдек, соҳада учраётган айрим камчилик ва муаммолар ҳақида ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва қонуности меъёрий ҳужжатлар талабларини бажаришга доир муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси, ***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг меҳнат муҳофазаси ва ҳуқуқий масалалар бўйича Доимий комиссияси раиси Ш. Адилов*** мажлис кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан музокарага киришиб, жумладан, қуйидагиларни баён этди:

— Доимий комиссиямиз 2011 йил 5 апрелда ўз фаолиятини бошлади. Иш режалари белгилаб олиниб, барча тармоқ Марказий кенгашлари ва ҳудудий бирлашмаларига тақдим этилди. 2011 йилда режалаштирилган тадбирларнинг барчаси бажарилди.

Шунга қарамай, барча бўғиндаги касаба уюшма ташкилотларида тузилган ушбу йўналишдаги комиссиялар ишини фаоллаштиришда бир қанча камчиликлар учраяпти. Жумладан, Меҳнат муҳофазаси ва ҳуқуқий масалалар бўйича Доимий комиссияга фақатгина айрим тармоқ Марказий кенгашлари ва ҳудудий бирлашмалари томонидан маълумотлар тақдим этилмоқда. Уларда ҳам меҳнат муҳофазаси ва ҳуқуқий масалалар бўйича доимий комиссиялар томонидан ўз олдига қўйилган вазифалар тўлиқ бажарилмаётганлиги аён бўлмоқда.

Ўтган даврда тармоқ Марказий кенгашлари ва ҳудудий бирлашмалари қошидаги комиссиялар томонидан меҳнат муҳофазасини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва бошқа масалалар бўйича бирорта таклиф билдирилгани йўқ. Баъзи тармоқ Марказий кенгашлари ва ҳудудий бирлашмаларда тузилган комиссиялар эса мунтазам фаолият кўрсатмаяпти. Ўрта бўғин ташкилотларида эса комиссиялар тўлиқ тузилмаган. Тузилганларининг фаолияти ҳам қониқарли даражада эмас.

М. Олимов, «GM Uzbekistan» ёпиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Корхонамиз мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятида алоҳида ўрин тутади. Жамоамиз аъзолари юртимиз автомобил ишлаб чиқариш соҳасини янада юксалтириш йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Ишловчиларнинг меҳнати муносиб қадрланиб, ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги корхонамиз фаолияти самарадорлигини таъминламоқда. Маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг барча бандлари бажарилмоқда. 2011 йилда меҳнат муҳофазаси учун ҳар бир ишловчига ажратилган маблағ 1 млн. 825 минг сўмдан тўғри келди. Жамоа шартномасига асосан меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар рағбатлантириб борилмоқда. Ўтган йили меҳнат муҳофазаси бўйича 16 та тадбир ташкил этилиб, бунга 1 млрд. 596 минг сўм маблағ сарфланди. Жумладан, ишчи-хизматчиларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказилаяпти.

Шу ўринда таклифларимни айтиб ўтмоқчиман. Биринчидан, меҳнат муҳофазасига оид қўлланма ва тарғибот воситаларининг етарли миқдорда нашр этилишини ташкил қилиш керак. Иккинчидан, ҳозирда ишлаб чиқарилаётган шахсий ҳимоя воситалари, махсус кийим-бошлар сифатини яхшилаш лозим.

А.Воҳидов, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти клиникаси бўлими мудири:

— Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларга қаратилган Давлат дастурларида меҳнатга лаёқатли кишиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш асосий вазифа этиб белгиланган. Бу борадаги ишлар оғир ва зарарли шароитда ишлаётган ходимларнинг касб касалликларини илк енгил даражаларида аниқлаш, ташхислаш, даволаш ва реабилитациясини амалга оширишдан иборат. Юртимизда касб касалликлари ижтимоий касалликлар рўйхатига киритилган ва унга чалинган беморлар учун қатор имтиёзлар яратилган. Бугунги кунда клиникамизнинг диспансер бўлимида 7163 нафар бемор назоратда турибди.

Юртимизда сўнгги ўн йилда касб касалликлари умумий сони ва бирламчи касалликлар ташхисланиши камайганлиги кузатилди.

Касб касалликларининг олдини олишда шахсий ҳимоя чораларига амал қилиш, профилактиканинг тиббий, биологик, физиологик усулларини қамраб олган ҳолда чора-тадбирларни тўла ўтказиш, ишга киришдан олдинги тиббий кўрикни сифатли ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Ишга киришдан олдинги тиббий кўрикни сифатли ўтказишни касаба уюшмаси, қолаверса, иш берувчи тўла назорат қилиши шарт. Ишловчилар ўртасида соғлом турмуш тарзига амал қилишни тарғиб этиш, санитар-оқартув ишларини фаоллаштириш лозим. Бу борада мазкур ишларнинг бажарилишини таъминловчи ва назорат қилувчи механизмни яратиш талаб этилади.

Б.Алимуҳамедов, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари:

— Меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчилик ижросини назорат этиш муҳим вазифалар сирасига киради. Бу борада вазирлик томонидан мақсадли ва тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, меҳнатни муҳофаза қилишга доир 50 дан зиёд қоида, 75 та тармоқ ва ишлаб чиқариш йўналишларида банд бўлган ходимлар учун махсус кийим, пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрлари касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган ҳолда ўрнатилган тартибда Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертиздан ўтказилди ва амалиётга жорий қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган «Корхона-ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом амалда қўлланилмоқда. Ушбу Низомга мувофиқ 2011 йилда 6109 та корхонада мониторинг ўтказилди. 5120 та корхонага эса амалий ва услубий ёрдам кўрсатилди.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ишловчиларнинг умумий сони 50 фоиздан кам бўлмаган ногиронларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналарда иш ўринлари аттестациядан ўтказилади. Ногиронлар ишлайдиган иш жойларининг санитария-техник ҳолати бўйича паспорт юритилади. Аммо ҳозирча паспорт юритилиши даражаси ва кўлами етарли эмас.

Вазирлигимиз томонидан 2011 йилда профилактика ишларини олиб бориш мақсадида 7685 та тадбиркорлик субъектида тушунтириш ишлари олиб борилди. 2373 та семинар ўтказилди. Тадбиркорларнинг муаммоли масалалари «Очиқ эшиклар» тадбири доирасида кўриб чиқилди.

* * *

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мажлисида «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг янги кўринишдаги рамзи ва байроғи тўғрисида»ги масала кўриб чиқилиб, тасдиқланди. Мажлис кун тартибидаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидаги ташкилот ва корхоналарни ташкил этиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги масалалар бир овоздан маъқулланди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбирлари

Ishonch
2012-yil 28-yanvar № 14 (3051)

Масъулият — давр талаби

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоиз, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотларида нодавлат сектори корхоналарида бошланғич ташкилотлар тузиш, улар фаолиятига кўмаклашиш, жамоа шартномаларининг сифатли ишлаб чиқилишига ёрдам бериш ҳамда ижро интизомини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилгани баробарида айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилган.

Масалан, юқори ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бошланғич ташкилотларгача етиб боришини таъминлаш тизими ташкил этилмаган. Ҳужжатларнинг айримлари етиб бормаётган бўлса, баъзилари эса ҳеч қандай чоратадбирлар белгиланмасдан жўнатилган. Янгидан касаба уюшма хизматига қабул қилинган бошланғич ташкилотларда жамоа шартномаларини тузиш, уларни сифатли экспертизадан ўтказишга кўмаклашиш ишларида ҳам камчиликлар мавжуд. Корхоналарда ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касаллиги туфайли ходимларга, боқувчисини йўқотганларга етказилган зарарнинг иш берувчи (суғурта компанияси) томонидан вақтида тўлиб борилиши юзасидан етарлича назорат ўрнатилмаган. Бу каби камчиликлар эса, шубҳасиз, кичик бизнес субъектларини касаба уюшмаларига жалб этишда қийинчиликлар туғдирмоқда. Шу боис ушбу муаммоларни бартараф этиш лозимлиги таъкидланди.

Эътироф этиш керак, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти тизимидаги ташкилотларда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Сўнгги икки йил мобайнида Жаҳон, Осиё биринчиликлари, Жаҳон кубокларида қатнашган 1796 нафар касаба уюшмалари спортчилари 696 та олтин, 501 та кумуш ва 511 та бронза медалларига сазовор бўлишган. 2010 йил Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI Осиё ўйинларида 48 нафар касаба уюшмалари спортчилари иштирок этиб, 5 та олтин, 11 та кумуш ва 16 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан жамият фаолиятини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва касаба уюшма спортчиларини турли нуфузли мусобақаларда иштирок этишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, спортнинг велоспорт, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, академик эшкак эшиш, енгил атлетика, дзюдо, бокс турларини ривожлантиришда касаба уюшмаларининг ҳиссаси алоҳида. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Лондон Олимпиадаси ўйинларига енг кўп йўлланмани қўлга киритганлиги учун «Йилнинг энг яхши спорт ташкилоти» номинациясига сазовор бўлгани катта муваффақият ҳисобланади.

Шу билан бирга, тизимда учраётган қатор камчиликларни бартараф этишга эътибор қаратилиши лозимлигига урғу берилди.

Йиғилишда касаба уюшмалари ташкилотларида туризмни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Маълумки, туризм иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларидан бири бўлиб, уни ривожлантириш, туристик хизматлар кўрсатиш сифатини замон талабларига мос равишда ташкил этишда касаба уюшмаларининг ишларини тубдан қайта кўриб чиқиш тақозо этилаётгани таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари тасарруфидаги санаторийлар, спорт-соғломлаштириш мажмуалари ва хизмат кўрсатиш объектлари имкониятларидан самарали фойдаланиш, хизмат турларини кенгайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни татбиқ этиш назарда тутилди.

Ҳукуматимиз томонидан соҳага алоҳида эътибор қаратилаётганлиги инобатга олиниб, касаба уюшма ташкилотларида туризмни ривожлантириш масаласи 2012 йилги устувор йўналишлардан бири этиб белгиланди. Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Ўзбекистон касаба уюшмалари ташкилотларида туризмни ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар Дастури» тасдиқланди. Унда ички ва ташқи, тиббиёт туризмини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Дастурда белгиланган тадбирлар ижросининг вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан касаба уюшмалари Марказий, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари, Санатор-курортлар бошқармаси ва Федерация кенгаши тасарруфидаги ташкилотлар зиммасига қатор вазифалар юклатилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» дастурининг 2011 йилги ижроси якунлари масаласи йиғилиш иштирокчилари томонидан атрофлича муҳокама этилди. Дастур доирасида ўтган йили кенг кўламли ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Жумладан, ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари қошида кичик бизнес соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларни мазкур соҳа бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари билан яқиндан таништириш, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш мақсадида «Юридик маслаҳатхона»лар йўлга қўйилди. Шунингдек, бирлашмалар қошида «Ишонч телефонлари» ташкил этилиб, ўтган даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан 400 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг барчасига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида соҳада тузилаётган тармоқ келишувлари сони амалдаги 2 тадан 4 тага етказилди. Жумладан, Савдо-саноат палатаси, «Ўзулгуржисавдоинвест», «Ҳунарманд» уюшмалари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида 2011-2013 йилларга мўлжалланган тармоқ келишувлари тузилди. Кичик бизнес субъектларининг жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олиниши даражасини 1,5 бараварга кўпайтиришга эришилди.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ходимларидан 1 минг 350 нафардан ортиғи касаба уюшмалари санаторийларида имтиёзли равишда соғломлаштирилди. «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида «Энг яхши фермер», «Энг яхши ҳунарманд», «Энг яхши тадбиркор» номинациялари бўйича фахрли ўринни эгаллаганлардан 43 нафарига санаторийларга имтиёзли йўлланмалар ажратилди. Болалар оромгоҳларида кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорларнинг 4 минг 150 нафардан ортиқ фарзандлари касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан имтиёзли дам олдирилди. 3,4 минг нафар тадбиркорлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар вакилларининг юртимиздаги тарихий ва диққатга сазовор жойларга саёҳати ташкил этилди.

Раёсат йиғилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши девонининг 2012 йил 1-ярим йиллиги учун иш режаси ҳам тасдиқланди. Унда Мустаҳкам оила йили мазмун-моҳиятидан келиб чиқувчи муҳим вазифалар, касаба уюшмалари фаолиятини кучайтиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2009 йил 23 апрелдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аъзо ташкилотларининг халқаро ишлар борасида олиб бораётган фаолиятлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши, республика касаба уюшма ташкилотлари қошида ташкил этилган хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари томонидан аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, улар ўртасида маънавий тарғибот ишларини йўлга қўйиш борасида олиб борилаётган ишлар, Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг молиявий фаолиятини текшириш натижалари, касаба уюшма ташкилотларида «Маънавият соатлари»ни ташкил этиш, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг журналистика соҳасида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика анъанавий танловини ўтказиш ҳамда касаба уюшмалари фаолиятига оид яна бир қатор масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2011 йилда мамлакатимиздаги 852 мактабда замонавий ўқув компьютер синфлари ташкил этилгани алоҳида қайд этилди. Истиқлол йилларида мамлакатимиз жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари сафидан ўрин эгаллаши, Ватан тақдири олдидаги масъулиятни астойдил ҳис этишга қодир, кучли билимга эга, иқтидорли ёшларни тарбиялашнинг муҳим омили сифатида таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги 127-умумий ўрта таълим мактабидаги кластер синфи, замонавий ахборот-ресурс маркази кун давомида ўқувчилар, педагоглар билан гавжум бўлади. Бу ерда «Информатика асослари» фани билан биргаликда математика, биология, физика, ўзбек тили сингари фанлар электрон дарсликлар асосида ўқитилади. Педагогларнинг таъкидлашича, электрон адабиётлар асосида ўқув машғулотларини ўтиш болаларда ўқишга қизиқишни янада оширади, улар мавзуларни пухта ўзлаштиради. Бундай қўлланмаларда расмлар, жадваллар, турли формулалар, қоидалар рангли, ёрқин ва йирик ҳажмда берилиши баробарида кимёвий, физик, биологик жараёнларнинг қандай кечиши дизайн жиҳатдан пухта тасвирланган. Болаларда кўриш орқали муайян маълумотни идрок этиш, ўзлаштириш ва ёдда сақлаб қолиш қобилияти жуда кучли экани боис электрон дарсликлар асосида машғулотларнинг олиб борилиши кутилган натижаларни бермоқда.

— Мактабимизда бир ярим минг нафарга яқин ўғил-қиз таҳсил олади, — дейди 127-мактаб директори Рафиқа Одилова. — Гарчи «Информатика асослари» фани 5-синфдан ўқитилса-да, 1-синфдан бошлаб мактабимизнинг барча ўқувчиларининг билим олиши, педагогик жамоанинг эса ўз устида ишлаши, изланиши, ишга ижодий ёндашуви замонавий ахборот-технологиялари билан чамбарчас боғлиқ.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Қарор ва ижро

А. АЗЛЯРОВ,
Ҳамза тумани ДСИ бўлим бошлиғи

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга хизмат қилувчи солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Бир неча солиқ турлари ставкалари камайтирилиши бу борадаги амалий қадам бўлиб хизмат қилади.

Келажак пойдевори

Қарорга асосан жорий йил 1 январдан эътиборан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг кам ставкаси 1 фоизга камайтирилди, саноат соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиз миқдорида белгиланди. Улар ихтиёрида қоладиган маблағлар корхоналар фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш ҳажмидан бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ҳисобланадиган мажбурий ажратмалар ставкалари сақланиб қолинган бўлса-да, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари унификация қилинди ва барча фаолият турлари учун 1,4 фоиз миқдорида ягона ставка жорий этилди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари турар жойлар, квартиралар (умумий майдони 200 кв.м.дан кам бўлганлари) дала ҳовли, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотларнинг инвентаризация қийматига нисбатан 0,9 фоиз миқдорида, умумий майдони 200 кв.м.дан ошиқ ва 500 кв.м.гача бўлганлари 1,1 фоиз миқдорида ва 500 кв.м.дан ошиқ бўлганлари 1,35 фоиз миқдорида белгиланди.

Мавжуд қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиб, меҳнатга хақ тўлашнинг ягона тариф сеткасининг бошланғич разряди 0 разряд ўрнига 1 разряд деб ўзгартирилди.

Фиксал хотирали касса машиналари

А.НАРЗИЕВ,
Бектемир тумани ДСИ «Солиқ текширишлари» бўлими бошлиғи,
А.ЯКУБОВ,
«Назорат тартибида ва қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш» шуъбаси бошлиғи

Ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг «Фиксал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга асосан ишлаб чиқилган Низомда ҳисоб-китобларни амалга оширишда бундай машиналарни қўллаш тартиби ҳамда умумий қоидалар белгилаб берилган.

Жумладан, назорат-касса машиналарини рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан чиқариш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бундай машиналарни қўллаш, ўз фаолияти хусусиятига кўра аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектлар айрим тоифаларининг аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китобини ҳисобга олиш тартиби батафсил келтириб ўтилган.

Шунингдек, назорат-касса машиналарига техник хизмат кўрсатадиган ва уларни таъмирлайдиган субъектларга қўйиладиган алоҳида талаблар, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ҳамда машиналарига техник хизмат кўрсатадиган ва уларни таъмирлаш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлиги белгиланган.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

2012 йил 29 феврал куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Ипотека банк» АТИБ Фарғона вилоят филиали балансидаги, Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси 11-уйда жойлашган «Valley Mountain's Fresh» масъулияти чекланган жамияти мулкий мажмуаси билан қўйилади. Объект сотилмай қолган тақдирда 2012 йилнинг 16 март куни қайтадан савдога қўйилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳар Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10-уйда ўтказилади.

Савдога қўйилган объектнинг асосий фаолияти: мева ва сабзавотлар концентратлари ишлаб чиқариш; бошланғич баҳоси — 8 049 000 000 сўм.

Объект қуйидаги шартлар бўйича савдога қўйилади:

Аукционда қатнашиш учун закалат миқдори объект бошланғич нархининг 10% олдиндан тўлов суммасининг 5% миқдорида.

Кўчмас мулк қиймати учун тўлов шарти: олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб 60 банк иш куни мобайнида 10% олдиндан тўлов шарти билан, қолган 90 % ини 12 ойли имтиёзли даврдан сўнг, ҳар чоракда тенг улушлар билан 5 йил мобайнида тўлаш.

Бошқа шартлар: объект учун 10 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг, тасарруф этиш учун эгалик ҳуқуқи расмийлаштирилади.

Ушбу очиқ аукцион савдосида иштирок этиш учун закалат тўғрисидаги келишувни имзолаган ва закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказиш вақтидан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Ушбу очиқ аукцион савдосида иштирок этишни истаган юридик ва жисмоний шахслар 40 245 000 сўм миқдорида «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ нинг «Миллий банк» Ҳамза филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига: 20208000304876496001, МФО 00847, ИНН: 301743808, ОКОНХ 83400. закалат пули тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:
(+99871) 147-40-00.
(+99897) 442-36-05
Лицензия № RR-0008

«SURXONDARYO MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади !

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2011 йил 11 ноябрдаги 119-ф-сонли қарорига асосан Сурхондарё вилояти ҳокимиятига тегишли, Термиз шаҳар, А.Икромов кўчаси, 1-уйда сақланаётган: «Captiva 3.2 BSC» русумли, д/р 75 272 DAA бўлган, 2010 йил и/ч, соз ҳолатдаги автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 69 575 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 13 феврал куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 10 февраль куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 13 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 27 феврал куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2012 йил 24 феврал куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, «SMM» МЧЖнинг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904941294001, МФО 01063, СТИР 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй. «Тадбиркорлар маркази» биноси.

Телефон: (8-376) 227-57-94.

Гувоҳнома: 972.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» YoAJ

«Poytaht filiali»да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ ҳамда «Микрокредитбанк» АТБнинг 2011 йил 30 июндаги 57-3-сонли хатига асосан «Микрокредитбанк» АТБга тегишли, Тошкент шаҳар, Лутфий кўчаси, 14-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

1. «Газ 31029» русумли, д/р 10 АХ 930 бўлган, 1993 йил и/ч, автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 628 000 сўм.

Шунингдек, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг 2012 йил 17 январдаги 01-07/16-сонли хатига асосан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига тегишли, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

2. «Опель-Омега» русумли, д/р 01 790 FAA бўлган, 1999 йил и/ч, автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 864 828 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 27 феврал куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 27 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 13 ва 20 март кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» YoAJ «Poytaht filiali»нинг ОАИКБ «Ипак йўли» Соғбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО 01036, СТИР 200933850, ОКОНХ 83300.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, «16-а» уй. **Телефон:** 233-20-96. www.rmm.uz.

ВНИМАНИЮ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ КАШКАДАРЬИНСКОГО ОБЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

· Строительство блока спортзала разм. 12х24м вспомогательными помещениями к школе №33 в к-ке Коратепа Каршинского района Кашкадарьинской области.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 6 месяца.

Стартовая стоимость заказчика составляет 273.003.000 сум без НДС, 327.604.000 сум с НДС. *Финансирование осуществляется за счет: Республиканский Фонд развития детского спорта.*

ЦСтроительство профессионального колледжи на 360/100 мест в пос. Жамбуссой Камашинского района Кашкадарьинской области. (направление с/х-во в сфера услуг)

Срок окончания работ, установленный зоказчиком 12 месяцев.

Стартовая стоимость заказчика составляет 2.964.842.000 сум без НДС, 3-557.810.000 сум с НДС.

· Капитальная реконструкция школы №132 на 270 учащихся в кишлаке «Пахталисой» Чнракчинского района Кашкадарьинской области, (остаточные работы).

Срок окончания работ, установленный заказчиком 3 месяца.

Стартовая стоимость заказчик составляет 206.283.000 сум без НДС. 247.539.000 сум с НДС. Финансирование осуществляется, за счет: Фонд реконструкции капитального ремонта и оснащения образовательных учреждений и фонд реконструкции, капитального ремонта и оснащения образовательных и медицинских учреждений.

Заказчик: Инжиниринговая компания Кашкадарьинского облхокимията.

Адрес; г.Карши ул. «Узбекистон Овози газетаси» дом 3. Тел.: 227-13-51, 227-18-51.

— По объектам строительства и реконструкции со стартовой стоимостью до 500 млн. сум конкурсные торги проводятся исключительно среди субъектов малого бизнеса.

— Размер квот для субъектов малого бизнеса по объектам капитального и текущего ремонта жилых и нежилых зданий составляет 100%.

— По объектам строительства и реконструкции со стартовой стоимостью свыше 500 млн. сум при прочих, равных условиях предпочтение отдаётся субъектам малого бизнеса. Срок реализации конкурсной документации составляет 28 дней со дня публикации объявления.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления, в здании заказчика по адресу — г.Карши ул, «Узбекистон Овози газетаси» дом 3.

Предприятия и организации выступавшие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованием: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставлению указанных средств, производительные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразования в строительстве, по адресу - г.Карши Ханабадское шоссе дом 46- «а».

Телефакс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33,

Стоимость одного комплекта документов 120000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по выше указанному адресу.

Баъзан мактуб йўлловчининг шахсий муаммосидай кўринган ва бир қарашда бунга ортиқча эътибор бериш лозим эмасдай туюладиган хатларни ўқиганда киши беихтиёр таъсирланади. Таҳририятга олис Сурхон воҳасидан йўлланган «Бошдан кечирганларим» сарлавҳали бир хат шахсан мени яна бир бор оилам, ота-онам, эмикдошларим қадрини билишга, улар хусусида ўйланган-у унут бўлаёзган яхши ниятларни амалга оширишга ундади. Фурсат бўла туриб изҳор қилинмаётган эзгу тилак ва дилдаги каломларни эсга солди. Фарзандлар аввало, оилада камол топади. Оилалар жамланмаси эса жамиятни ташкил этади. Бу галги саҳифамиз шу маънода умумий муштараклик касб этади. Бунда ҳар биримиз учун қайсидир маънода ибрат дарслари мужассамдир.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими муҳаррири

ГАЗЕТА — ГАЗЕТХОН — ГАЗЕТА

Пайғамбарлардан бири туя устида кетаётган аёлга ишора қилиб, сарбонга: «Эҳтиёт бўлинг, «шиша» олиб кетаяпсиз», деган экан.

Шаън

Дарвоқе, аёлнинг жисми нозик, шаъни, номуси, қалби эса ундан-да нафис. Унга беғуборлик, софлик, нафосат ярашади. Энг асосийси, аёл — она. Шу боис у муқаддасдир. Аммо назаримда, ҳамма аёллар ҳам шу таърифнинг масъулияти, мўътабарлигини ҳис этиб, унга муносиб бўла олмаётгандай!..Манзилга қатновчи «Дамас» ёнига борсам, икки аёл ўтирибди. Беихтиёр улар эътиборимни тортди. Аввало, уларнинг кийиниши менга жудаям эриш туюлди. Кейин ўзларини тутишлари. Улар баланд овозда қулишар, суҳбати орасида беҳаё сўзлар ҳам эшитилиб қоларди.

Шу пайт бир йигит келиб, улар билан саломлашди. Учовлон очиқдан-очиқ савдолашди-ю, биргалашиб қаергадир кетишди. Уларнинг ортидан кимдир ғижинди, кимдир асабий ерга туфлади. Ҳатто бир киши шофёрга:

— Машинага бир исириқ тутатиб юборинг... — деди.

Бу аччиқ ҳақиқатни изоҳлашга, аёлларни оқлашга ҳарчанд уринмай, сабаб тополмадим. Беихтиёр эркаклардан ҳам ранжидим. Нега улар гуноҳ сари қадам босаётиб, хотини, синглиси ёки қизини ўйламайди? Ҳеч бўлмаганда икки оғиз сўз билан фахш ботқоғига ботиб бораётган аёлларни қутқаришга, кўзини очишга уринмайди?!

Феруза ЭРМАТОВА,
Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мутахассиси

Бобур ҳаёти ва фаолиятининг бетакрор баёни бўлган «Бобурнома»даги 1506-1507 йиллар воқеалари тасвирини ўқиганда унинг нодир фазилатлар соҳиби эканига яна бир бор амин бўламиз.

ГАЗЕТА

Нодир фазилат соҳиби



Бобур Ҳиротга кетган пайти Кобулда унинг яқин кишиларидан бўлган Муҳаммад Ҳусайн Мирзо Дуғлат, Султон Санжар Барлос, Шоҳбегим темурий шаҳзода Мирзохонни подшоҳ этиб тайинлашади. Эл орасида Бобур Мирзонинг Бадиуззамон ва Музаффар Мирзо томонидан ўлдирилгани ҳақида миш-миш тарқатилади. Мисли кўрилмаган совуқда етиб келган Бобур умри бино бўлиб бундай азобларни кўрмаганини таъкидлайди: «Ул неча кун бисёр ташвишлар ва машаққатлар тортулди, андоқким, муддатул умр мунча машаққат камроқ тортилиб эди».

Бир ҳафта давомида тинимсиз қор ёққанидан йўллар ҳам кўмилиб қолган, кўп жойларда отларнинг оёғи ерга тегмас эди. Шу сабабли қор тепиб йўл очишга тўғри келади. Ўн бешйигирма кишигина қор тепиб йўл очишда иштирок этади: «...ўзга тамом ўбдон-ўбдон йигитлар ва бек отонғонлар отларидан ҳам тушмай, тайёр тепилган ва босилғон йўлга кириб, бошларини қуйи солиб келурлар эди». Бобурнинг ўзи ҳам қор тепувчилар сафида бўлади. Аслида у подшоҳ сифатида қўл остидагиларга босим ўтказиши, ҳаммани шу ишга сафарбар этиши мумкин эди. Лекин юксак маънавият эгаси бўлган Бобур бундай йўл тутмайди. «...Ҳар кимнинг ҳиммат ва журъати бўлса, бундоқ ишларни ўзи тилаб қилур», дейди. Ширин жонининг ташвишини қилмаган Бобурнинг ҳамияти ва қатъиятига ҳавас қилса арзийди. Балки: «Ҳар юзага келган яхшилигу ёмонликни мушоҳада этиб кўрсанг, турмуш учун хайриятли бир ҳикмат топгайсен», деган шиор унга куч бериб турган бўлса, ажабмас.

Воқеаларнинг кейинги ривожи Бобур шахсиятининг янги-янги қирраларини очади. Мирзохоннинг бувиси бўлган Шоҳбегим фитнанинг асосий ташкилотчиларидан эди. Бобур Мирзо Шоҳбегим билан юзлашганида олижаноблик қилади. Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» асарида бу воқеа шундай тасвирланади: «...Бобур подшоҳ тиз чўкиб, адаб расмига риоя қилган ҳолда, мулойимлик билан: «Агар муҳтарам она ўғилларидан бирортасига меҳрибонлик кўрсатса, бошқа ўғил қандай қилиб бундан хафа бўлсин? Онанинг ҳар қандай истаги фарзандлар учун қонундир. Мен тун бўйи ухламай узоқ йўл босиб келдим», дея ухлаш учун бошини Шоҳбегимнинг қучоғига қўйди.

Фитначилардан Муҳаммад Ҳусайн Мирзо ҳам Бобурнинг тузини ичиб, тузлиғига тупурганлардан эди. Холаси Хўб Нигорхонимнинг умр йўлдоши бўлган бу шахснинг гуноҳидан ўтган Бобур Шайбонийхон даргоҳида қўним топган Муҳаммад Ҳусайн фитнакор табиати боис тезда ўлим топганини қайд этаркан, шундай фалсафий тўхтамга келади: «Сен ўзингга ёмонлик қилганни турмушга топшир, турмуш сенинг ўч олувчи хизматкоринг удир».

Шу биргина воқеанинг қисқа таҳлили асносида ҳам Бобур фазилатининг серқирралигини кўрамиз. Нозик қалб, истеъдодли ижодкор, моҳир саркарда, қудратли ҳукмдор бўлиш баробарида инсонийлик илмини ҳам пухта ўзлаштирган Бобур ижодий меросини ўрганар эканмиз, инсонийлик сабоқларидан ҳам баҳраманд бўламиз.

Ибодат БОЗОРОВА,
Навоий педагогика коллежи хорижий тиллар кафедраси мудири
Сабоҳат БОЗОРОВА,
ТАТУ қошидаги 2-академик лицей ўқитувчиси

Бошдан кечирганларим

***Ассалому алайкум, таҳририят. Мен Роҳатой Алмуродова — Сурхондарёнинг Шеробод тумани Қишлоқбозор маҳалласида 1994 йил 11 февраль куни туғилганман. Отам Мусурмон ака ўша йили жигар хасталиги билан вафот этган. Ёлғиз қолган онам умрининг қолганини менга бағишлашга қарор қилган. Лекин қариндошлар қарши бўлиб, иккинчи марта эрга тегишга мажбурлашган. Онам янги турмуш қурганида икки ёшда бўлганман. Ўгай отанинг тарбиясини ола бошладим. Отам урмас-сўкмас, фақат нон топиши қийин эди. Чунки ишламасди. Онам биринчи отамни ўйлай-ўйлай адойи тамом бўлди. Ҳафталаб нонсиз қолиб кетган кунларимиз ҳам бўларди. Лекин чидардик. Онам касал бўлиб қолди. Ҳар тоби қочганда: «Қизим, агар ўлиб қолсам, кўп йиғлама. Мен ҳамиша ёнингда бўламан, фақат кўринмайман, холос», дер эди. Ёшлигимдан одамларнинг уйида ишлаб, топган пулимни онам учун дори-дармонга сарфлардим. Беш ўгай акам ҳам бизга совуқ муносабатда бўларди. Бир куни онамга ёрилдим:*

— Бобомнинг уйига кетайлик, илтимос!

Онам эса касал ҳолида инқиллаб-синқиллаб деди:

— Йўқ, болам, отамнинг юзини ерга қаратмайлик. Давраларда: «Қизинг қайтиб келдими?» дейишса қай аҳволга тушади, нима деб жавоб беради.

Онам мени бағрига босиб йиғларди. 2006 йил 20 февраль куни ёлғиз муштипаримдан ҳам айрилиб қолдим. Худога нола қилдим. Тақдиримдан дод деб йиғладим. 5-синфда ўқирдим ўшанда. Сўнг онамнинг ота-онаси — бобо-момом ва тоғаларим қарамоғида қолдим. Икки янгам тарбиясига олишди.

Мактабни тамомлаб, ўз ҳаракатим билан Термиз ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига ўқишга кирдим. Ҳозир иккинчи босқичда ўқийман. Гарчи бу ҳодисалар ихтиёрдан ташқари содир бўлган эса-да, ота-онаси, яқинларининг қадрига етмаётган ёхуд нималарнидир унутган кишиларга ўрнак бўлар, деган мақсадда ёздим. Жорий йил «Мустаҳкам оила йили» деб номланганда мени ажиб бир кайфият чулғаб олди. Қувончдан бўлса керак, йиғладим. Беихтиёр шеър ёзгим келди. Шу ва бошқа ижод намуналаримни юбораяпман. Чоп этилса, оиламиз (бобо-момом, тоға-янгаларим) билан жудаям хурсанд бўламиз.

Эл боласи

Мен бобомнинг ёруғ юзиман,
Юртбошимнинг эрка қизиман.
Отам ёқиб кетган чироқ ҳам,
Онажоним қайтар изиман.

Оҳлар чеккан дил ноласиман,
Ҳур диёрнинг шалоласиман.
Ота, она, бўлинг хотиржам,
Оилам эл — эл боласиман!

Кам кўрма

Сенга оғирдир балки бу сўзим,
Аммо дўсту душманни кўрди кўзим.
Ажалга Худо берсину тўзим,
Бировнинг устидан кулма, дўстим,
Ўзингдан ўзгани кам кўрма, дўстим.

Дўстим, керилмагин, ярашмагайдир,
Ҳавас кўзи билан қарашмагайдир.
Йиқилсанг ҳолингни сўрашмагайдир,
Бировнинг устидан кулма, дўстим,
Ўзингдан ўзгани кам кўрма, дўстим.

Сенга синов деб берилар бойлик,
Билиб қўйгинки, бу вақтинчалик.
Афсусланмагин кейин шунчалик,
Бировнинг устидан кулма, дўстим,
Ўзингдан ўзгани кам кўрма, дўстим.

Машҳур навозанда Юсуфжон Маҳмудов най чалганда гўё ўзидан ҳам бир нур таралиб, жисмингизга сингигандай бўлади. Бутун борлиқни унутиб, най сеҳрига ошуфта бўласиз.

Эйфелдан янграган най садоси

У йигирма йилдан ортиқ Тошлоқ туманининг «Райҳон» ашула ва рақс халқ ансамблида мусиқа раҳбари бўлиб ишлади. Бу жамоа қатор кўрик-танловлар, фестивалларда фахрий ўринларни эгаллаб келади. Созанданинг най садоси ёзилган қатор грампластинкалари бор. «Гулзорим қани?», «Ишқ сели», «Чўли Ироқ», «Баёт», «Соҳибжамол» сингари ижролари алоҳида услуб билан жилоланган.

1997 йили Париж шаҳрида ЮНЕСКО тасарруфида бўлиб ўтган Хива ва Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланган байрам дастури намойиши Юсуфжон ижодининг ёрқин саҳифаларидан бирига айланди. Бу ерда «Буюк ипак йўли» мусиқали спектакли намойиш қилинди. Спектакл сўнгида режиссёр Баҳодир Йўлдошев томонидан ҳар қандай созандага попурри сифатида бир қатра куй чалиш топширилганди. Юсуфжонга навбат келганда, у хаёлига қўққисдан келган Жузеппе Вердининг «Аида» операсидаги маршни чалиб юборади. Миллий ўзбек сози билан машҳур куйнинг моҳирона ижро этилишидан ҳайратга тушган французлар ўринларидан туриб, Юсуфжонни узоқ олқишлайди. Эртаси куни жаҳондаги етти мўжизанинг бири бўлмиш Эйфел минорасига боришганда, у ўзининг кўп йиллик орзусини амалга оширди. Минорада туриб машҳур найчи Абдуқодир Исмоиловнинг «Турфа меҳринг» куйини ижро этди. Ўтган асрнинг 30-йиллари ўзбек санъаткорлари Парижга гастрол сафарига боришганда Абдуқодир Исмоилов Эйфел минорасида шу куйни чалган экан. Шундай қилиб, ўшанда «Турфа меҳринг» олтмиш йилдан сўнг айнан шу жойда такрор ижро этилиб, хорижликларни яна бир карра ҳайратга солганди.

Султонали МАННОПОВ,
Ўзбекистон халқ артисти

Карим ота ва Робия она 60 йил бирга умр кечиришди. Етти фарзандни оқ ювиб, оқ таращди. Ҳозирда қирқдан зиёд невара, ўнга яқин чевараниинг бобо-ю бувиси.

Қушнинг ҳам уяси бузилмасин

Ўтган йили қиз набирасини турмушга беришганди. Унинг ота уйига қайтиб келганини эшитиб Робия онанинг юраги доғланди. Бетоблигини унутди. Ҳассасини қўлига олганча, йўлга шайланди. Иккинчи ўғлининг уйи кўчанинг нариги бошида. Онаизор ўғлиникига учиб борди гўё.

— Қани, қизим, шайлан, қайнота-қайнонангникига ўзим олиб бораман, сенинг ўрнинг ўша жойда, — қистовга олди неварасини.

Қиз оилавий қийинчиликлардан чарчаб кетгани, у уйга қайтиб бормаслигини айтиб пиқиллаб йиғлашга тушди. Ўғли ва келини қизнинг ёнини олишди.

— Йўқ, «турмуш-мушт», «арининг заҳрин тотмаган, не билсин болнинг қадрини» дейдилар, қийинчиликсиз ҳаётнинг ўзи йўқ. Раҳматли онам: «Эрнинг уйини уч бурчагидан қон оқса, бир бурчагидан бол оқади, болга етишнинг ўзи бўлмайди», дердилар. Тирик эканман набираларимдан ҳеч бирининг оиласи бузилишига йўл қўймайман, — дея қатъий туриб олди Робия она.

Онахоннинг ундови билан невара қиз оиласига қайтди. Тез орада ҳаёти изга тушиб кетди. Яқинда Карим ота билан Робия она чеварасига бешик олиб боришди...

Дарҳақиқат, халқимиз учун оила муқаддас даргоҳ саналади. Уни Ватанга қиёслайдилар. Ўз оиласини қадрлаган инсонгина Ватанини қадрлашга қодир, дейишади кўпни кўрган қарияларимиз.

Ёшлар турмуш қуришар экан, тўйга ташриф буюрганлар, «ували-жували бўлинг, қўша қаринг», деб дуо қилишади. «Қушнинг ҳам уяси бузилмасин» деб ҳисобловчи халқимизнинг ушбу дуоси ижобат бўлади.

Аммо баъзида ёшларнинг ҳаётга енгил қараши, ота-онанинг бепарволиги туфайли оилалар дарз кетаётгани ҳам сир эмас. «Фалончининг келини икки ой ҳам яшамай кетиб қолибди» каби гап-сўзларни эшитганда дилимиз оғрийди. Бундай нохушлик келиб чиқмаслиги учун ким масъул?! Албатта, ҳаммамиз. Фарзандини ҳаёт қийинчиликларини мардонавор енгишга ўргатиш, турмушга енгил-елпи қарашига йўл қўймаслик ҳар бир ота-онанинг вазифаси. «Тор қорнимга сиққан кенг уйимга сиғади» деган ақидани бир чеккага йиғиштириб қўйиш вақти келди. «Қарс икки қўлдан чиқади» дейдилар. Ёш оиланинг барқарорлиги кўп жиҳатдан куёв тарафга боғлиқ. Айтиш жоизки, кейинги йилларда аҳолининг турмуш маданияти билан бир қаторда маънавияти ҳам юксалаётганлиги туфайли қайнона-келин муносабатлари нисбатан самимий тус олаётгани қувонтиради кишини.

Оила мустаҳкамлигини таъминлаш масаласига давлатимиз томонидан ҳам айрича эътибор қаратиб келинаётганлиги бежиз эмас. Ахир, оила тақдири Ватан, эл-юрт тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти ниҳоятда катталигини кўплаб оилалар мисолида кўриб турибмиз. Аммо бунга бепарво қараётганлар ҳам бор. Бу баъзида қимматга тушаётганлигига ҳам гувоҳмиз.

Ўйлаймизки, давлатимизнинг эътибори бизни оила қўрғонларимиз мустаҳкамлигини таъминлашга янада масъулият билан қарашга ундайди.

Дилфуза ҲАСАНОВА,
Урганч тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Бир яхшининг ёмони

Нордон бува билан Асал хола Шоҳимардон зиёратига боришди. Чолу кампир дид билан ўралган муҳташам қабр ёнига келишди. Нордон бува Асал холага тушунтира бошлади:

— Бу қабр ёзувчи ва шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг мақбараси, у худди мана шу зинапояларнинг бошланиш жойида тошбўрон қилинган, — деди у қуйи томонни кўрсатиб.

— Вой, шўрим, нима учун тошбўрон қилинган бечора?! — дея ёқасини ушлади Асал хола.

Худди шу лаҳза ёнларидан эгнига «сўнгги мода»ни илган бир аёл ўтиб қолди. Нордон бува гапидан чалғиб, деярли ярим ялангоч бу ўткинчига анграйиб қараб қолганди. Асал хола чолининг ягтагидан тортти:

— Бу нимаси?! Оғзингиз очилиб қолди?

— Эй, кампир, — деди Нордон бува ўзига келиб. — Ҳамза аёлларни паранжини ташланглар, деб даъват қилгани учун тошбўрон қилинган эди. Баъзи аёлларни қарагин, паранжи тугул устбошларининг ярмини ташлаб юборишибди-я!..

Кампири кимга ачинишни билмай ўйланиб қолди.

Эминжон ҚУЛМАТОВ

Газетанинг навбатдаги сони 2 февраль, пайшанба куни чиқади.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay’ati:
Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o‘rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog‘indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To‘lqin TESHABOYEV, Jahongir SAROFBOYEV (Mas’ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e’lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg‘ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko‘chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko‘rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Toshev

Navbatchi:
S. Abdurahmonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko‘chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 23. 40

Buyurtma Г — 111

22523 nusxada bosildi

1 2 3 4